

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» факультети

«Давлат молияси ва солиқлар» кафедраси

«Юридик шахсларни солиққа тортиш» фанидан

**«ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ
СОЛИҒИНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ»**
мавзусидаги

КУРС ИШИ

БАЖАРДИ: «Солиқлар ва солиққа тортиш»
таълим йуналиши

3-курс СС-52 гуруҳи талабаси
Акбаров Аброр Асрарович

Кафедрага топширилган сана «_____» _____ 2012 й

Ҳимоя қилинган сана «_____» _____ 2012 й
_____ балл

Ҳайъат аъзолари: _____

Тошкент- 2012

М У Н Д А Р И Ж А

бет.

Кириш.....	3
1. Иқтисодий ислохотлар шароитида қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти ва давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тутган ўрни.....	6
2. Қўшилган қиймат солиғи солиш объекти ва солиқни тўловчилар таркиби.....	16
3. Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар ва солиқ ставкаларининг турлари.....	21
4. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва давлат бюджетига ўтказиш тартибининг амалдаги ҳолати таҳлили.....	24
5. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қўшилган қиймат солиғини ундириш механизмини такомиллаштириш йўллари.....	27
Хулоса ва таклифлар.....	29
Фойдаланилган адабиётлар.....	31
Иловалар.....	37

КИРИШ

Иқтисодиётни давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиниши давлат бюджетини шакллантириш, солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш услуби ҳисобланади. Давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг бош манбаидир.

Мамлакатимизда амалга оширалаётган иқтисодий ислохатлар амалиётидаги энг мураккаб муаммолардан бири солиқлар муаммосидир. Энг мақбул солиқ солиш тизимини яратган ҳолда, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига таъсир қилиш, тадбиркорликнинг тараққий этишига ёрдам бериш ва бир вақтнинг ўзида ижтимоий муаммоларни ҳал этиб бориш бозор муносабатларига ўтиш шароитда ҳам, ундан кейин ҳам давлатнинг бош мақсади бўлиб қолаверади.

Ҳозирги кунда бутун дунё мамлакатларида давлатнинг аниқ амал қилувчи солиқ тизими мавжудлиги унинг юксак даражада тараққий этганлигининг белгиси ҳисобланади. Шунинг учун солиқ тизимини жаҳон андозалари даражасида шакллантириш ва ривожланган мамлакатларнинг солиқ амалиётидаги илғор тажрибаларидан солиқ тизимимизда фойдаланиш бозор муносабатларига ўтиш шарт-шароитига мослашишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат назоратининг асосий тури бу солиқ назорати ҳисобланади. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатда олиб борилаётган давлат солиқ сиёсати иқтисодий ислохатларга мос равишда ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган солиқ тизими кўп томонлама миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириш билан бирга, кўп жиҳатидан ривожланган мамлакатларнинг солиқ солиш тизими кўрсаткичларига тўғри келади, бу, эса давлатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегик мақсадлари билан узвий боғлиқдир. Солиқ тизимининг тузилиш тамойиллари, одатда, у ёки бу мамлакат ривожланишининг иқтисодий ривожланишига боғлиқ бўлиб, умумий қонуниятларга эга.

Ўзбекистон солиқ тизимининг ривожланиши негизига бир қанча тараққий этган хорижий давлатларда асосий ҳисобланган ва ўз самарадорлигини кўрсатган солиқ тизимининг тузилиш тамойиллари асос қилиб олинган. Солиқлар юкининг юқори бўлиши корхоналарни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, замонавий техника ҳамда технологиялар билан қайта жиҳозлашга, айланма маблағларини кўпайтиришга маблағлар йўналтириш имкониятини кескин камайтиради. Бу эса ишлаб чиқариш даражасининг пасайишига олиб келади. Натижада хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий муаммолари кескинлашувига сабаб бўлади.

2012 йил 19 январь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

мажлисидаги маърузасида изчиллик билан амалга оширилаётган солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилаётганлиги эътироф этилди «Изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2011 йилда солиқ юки, 1991 йил билан солиштирилганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийиб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга тушганини қайд этиш зарур.

2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайрилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийиб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этига йўналтириш имкони пайдо бўлди.

2011 йилда Республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди. Айни пайтда шунга эътибор беришингизни сўрайман аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятдан олинмоқда.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, улар қўллаб қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадларидаги фарқ коэффиценти 21,1 баробаридан 8,3 баробарига қисқарди. Айтиш керакки, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффицент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даржаси ва сифати ортиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг паст ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилганини қайд этиш лозим. Бу, аввало, кам иш ҳақи тўланадиган ишловчилар тоифаси

даромадларининг кўпайишига сезиларли равишда ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир»¹

Иқтисодиётни модернизациялаш давлатнинг солиқ соҳасидаги ислохатларга ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, солиқларни чуқур ўрганиш ҳамда мамлакатимиз солиқ тизимининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича чуқур изланишлар олиб борилиши лозим.

¹ И.А.Каримов. 2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи”, 2012 йил 20 январь (№ 14) 2-бет

1. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ

Давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришда қўшилган қиймат солиғи билан тўлдириш ғояси XX аср бошларида вужудга келган. Қўшилган қиймат солиғи илк бор Германияда 1919 йилда **Вильгельм фон Сименс** томонидан «Veredelte Umsatzsteuer» немисча мукаммаллашган айланма солиқ номи билан жорий этилган. Бу солиқ тури илк бор қўшилган қиймат солиғи номи билан француз иқтисодчиси М. Лоре томонидан 1954 йилда таклиф қилинган ва 1960 йилда Кот-д-Ивуар Республикаси жорий этилиб, ушбу мамлакат солиқ тизимига солиқ тури сифатида киритилган.

Дунё мамлакатларида қўшилган қиймат солиғи ундириш тартиби дастлаб 1954 йилда француз иқтисодчиси М. Лоре томонидан тавсия этилган, бу солиқ тури билан боғлиқ фикрлар XX асрнинг бошларида вужудга келган ва жаҳоннинг 48 дан ортиқ мамлакатларида жорий этилган.

Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги давлатларида 1992 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи жорий этилган.

Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи 1992 йилда жорий этилган бўлиб, бу солиқни ҳуқуқий тартибга солувчи солиқ қонунчилиги ҳужжати бўлиб 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги қонун ва унга мувофиқ ишлаб чиқилган 1992 йил 30 мартдаги «Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги» йўриқнома ҳисобланади. Солиқ қонунчилигига мувофиқ 1992 йилда дастлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 30 % миқдорида белгиланган.

Республикаимизда қўшилган қиймат солиғи жорий қилиниши пайтида асосий вазифа қилиб қўйилган бюджет даромадларини узлуксиз таъминлаш зарур даражада уддаланган, лекин шу билан бирга мамлакатимиз бюджет даромадларини шакллантирилиши асосан билвосита солиқ бўлган қўшилган қиймат солиғининг улуши ҳисобига тўғри келишини ижобий ҳолат деб бўлмади, чунки халқаро амалиёт таҳлиллари шуни кўрсатадики, жами солиқ тушумларида билвосита солиқлар салмоғининг ошиб бориши, мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот миқдори камайишига олиб келиши мумкин.

Қўшилган қиймат солиғининг мамлакатимизда ривожланиш тарихи қисқа даврни ўз ичига олгани билан анча самарали фаолият кўрсатиб келмоқда ва бюджет даромадларини шакллантиришда мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бунинг асосий сабабларидан бири қўшилган қиймат солиғининг илгари амалда бўлган солиқлардан бир неча афзалликларга эгалигидир. Қўшилган қиймат солиғи умуман билвосита солиқларнинг келиб чиқиш тарихи шуни кўрсатадики, уларга солиқ юкини маҳсулот ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга ўтказиш вазифаси қўйилган. Моҳияти жиҳатидан қўшилган қиймат солиғи билвосита солиқ бўлганлиги учун корхонанинг молиявий якунига бетараф бўлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг дастлабки йиллик 1992 йил Давлат бюджетига ташқаридан дотация ва субвенция олмасдан тузилиши бўйича талаблар қўйилди. Бошланғич босқичда солиқ сиёсати ижтимоий иқтисодий йўналишга эга бўлган бюджет даромад ва харажатларининг тенглигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган эди. Уни мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳажми тушиб кетган бир шароитда, юқори инфляция пайтида ва давлат молия тизимидага ўта оғир бир вазиятда амалга оширишга тўғри келди.

Юзага келган вазият, билвосита солиқлар асосан қўшилган қиймат солиғига асосланган солиқ тизимининг фискаль вазифани бажариши зарурлигини тақазо қилди. Солиқларни жорий этилишининг бош мақсади бўлиб давлат тақдим этаётган хизматларни молиявий ресурслар билан таъминлашдан иборатдир. Шу сабабли бу даврда солиқ ислоҳатида сезиларли муҳим ўзгаришлар бўлиб ўтди, бунда айниқса, айланмага солиқ ва сотишдан солиқ ўрнига қўшилган қиймат солиғи жорий этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Қўшилган қиймат солиғи жорий қилинишининг асосий сабабларидан бўлиб, биринчи навбатда у ёрдамида давлат бюджетига даромадлар тушумининг тенглигини таъминлаш ва бозор муносабатларини шакллантириш вақтида катта аҳамиятга эга бўлган давлат бюджетини тузишнинг барқарор базасини яратиш ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг ҳар қил соҳаларидаги тузилиши, ўзгартирмасдан, солиқ ставкаларини унча катта бўлмаган миқдорда оширилиши, бюджетга солиқ тушумини сезиларли даражада ошириши мумкин. Бу қўшилган қиймат солиғи Ғарбий Европадаги хорижий давлатларда бозор иқтисодиёти шароитида синаб кўрилган, натижада у бюджет даромадларини шакллантиришнинг ишончли манбаи сифатида ўзининг қулай ва самарали восита эканлигини исботлаган.

Қўшилган қиймат солиғининг бунчалик тез ва кенг тарқалиши замонавий техника ва йўлга қўйилган ҳужжатлар айланишида солиқ операцияларини тез ва аниқ амалга ошириш имконини бериши муайян товарлар ва хизматларга солиқ солишнинг имтиёзли шартлари борасида чакана савдодаги сотувлардан олинadиган солиққа нисбатан самаралироқ эканлиги билан изоҳланади.

Барча билвосита солиқлар каби қўшилган қиймат солиғи ҳам асосан солиқларнинг фискал функциясини бажаради, унинг жорий қилишдан асосий мақсад давлат бюджетини маблағ билан тўлдириш билан боғлиқ бўлган. Қўшилган қиймат солиғи солиқ тушумларини нарх-навонинг ўсиши билан тўғридан тўғри боғлаб турганлиги учун у бюджет маблағларини инфляция бўлишлигидан сақлаб қолувчи воситалардан бири ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи Ўзбекистонда қўллана бошлашининг асосий сабаби ушбу солиқ бўйича дунё ҳамжамиятининг бу борадаги тажрибаси бўлди. Ривожланган давлатларнинг тажрибаси билвосита солиқлар ривожланиб бориб, ягона қўлланиладиган солиққа, яъни ушбу давлатларда бир текисда тақсимланadиган қўшилган қиймат солиғига айланишини кўрсатади, шу билан бир вақтнинг ўзида, бирон бир товарлар гуруҳини

сотилишига ҳалақит қилмайди ва иқтисодиётда молия тақсимланишини ўзгартирмайди.

Қўшилган қиймат солиғи Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо бўлган барча мамлакатларда жорий этилган бўлиб, Австралия ва АҚШ бундан мустаснодир. Қўшилган қиймат солиғи тизими икки босқичда жорий этилди. Аввало Шимолий Европа мамлакатларининг кўпчилигида ва Европа Иттифоқига энг биринчи бўлиб кирган мамлакатларда қўлланилган, сўнгра 1986 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатларида умумий солиқ ислоҳатларининг амалга оширилиши қўшилган қиймат солиғининг Европадан ташқарида ҳам тарқалишига олиб келди. Натижада Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо бўлган 25 мамлакатдан 23 тасида қўшилган қиймат солиғи жуда қисқа муддатда жорий этилди.

Қўшилган қиймат солиғининг ватани Франция ҳисобланса-да, у бозор иқтисодиётга асосланган кўпгина давлатларда муваффақиятли қўлланилади. Ғарбий Европа мамлакатларининг солиқ тизимларида қўшилган қиймат солиғи 60-йилларининг охири ва 70- йилларининг бошида киритилди ва ҳозирги вақтда истеъмол учун асосий солиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш шароитида солиқ муносабатларини такомиллаштириш, жумладан, қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳиятини, ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатидан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

К.Р.Макконнелл ва С.Л. Брюлар ўзларининг машҳур “Economics” асарида “Қўшилган қиймат (value added) фирма томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг бозор баҳосидан мол етказиб берувчилардан сотиб олинган ва шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун истеъмол қилинган хом ашё материаллар қиймати чегирилгандан кейин қолган қисмидир”² – деб, қўшилган қийматга таъриф беради.

Солиқ тўғрисидаги тушунча асрлар давомида ўзгариб борган. Солиққа тортиш назариясининг ривожланиши ва такомиллашиб бориши билан «солиқ» тушунчасига нисбатан қараш эволюцион равишда ўзгарган. Олимлар ва жамоат арбоблари солиқ тушунчасига фақатгина иқтисодий қарашдангина эмас, балки унга юридик нуқтаи назардан ҳам таъриф беришга уринганлар.

Солиқлар-қадимги молиявий туркумлардан биридир. “Солиқ” тушунчаси ўзининг илдизлари билан асрлар ичра маълум бўлиб, давлат хазинасига ундириладиган ҳар хил тушумлар кўринишда бўлган. Қадимда давлатни молиялаштириш механизмлари пайдо бўлаётган бир даврда, солиқлар давлатнинг пайдо бўлиши ва ундаги жамиятнинг синфларга бўлинишида муҳим иқтисодий муносабат сифатида юзага келган. Инглиз иқтисодчиси С. Паркинсоннинг фикрича: “Солиққа тортиш дунё каби қадимий бўлиб, унинг бошланғич шакллари маҳаллий қабила бошлиқларининг дарё бошларини, икки дарёнинг кесишган ёки тоғдан ўтиш

² Кэмпбелл Р. Макконнелл, Стенли Л. Брю. Экономикс.—М., 1997.—134-б.

жойларини тўсиб, ундан фойдаланганлик ёки савдогар ва сайёҳлардан ушбу ердан ўтганлик учун тўловлар ундирган даврларда пайдо бўлган”³

2007 йил 23 ноябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 2007 йил 30 ноябрда Сенат томонидан маъқулланган, 2007 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов томонидан тасдиқланган 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 197-моддасида қўшилган қиймат солиғи тўловчиларга қуйидагича таъриф берилган:

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар қуйидагилардир:

1) Солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар,
2) Зиммасига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар.

3) товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб қирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно.

4) оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) оддий ширкат шартномасининг шериғи (иштирокчиси).⁴

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга ёки бевосита ва билвосита солиқларга бўлинади.

Эгри солиқларни ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот иш, хизматни юклаб юборувчилардир хизмат кўрсатувчилардир. Лекин солиқ оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар иш, хизматни истеъмол қилувчилардир, яъни ҳақиқий солиқ тўловчилар бу ерда яширинган. Бу солиқлар товар иш, хизмат қиймати устига устама равишда қўйилади.

Бу солиқларнинг ижобий томони Республикада ишлаб чиқарилган товарларни четга чиқиб кетишини чегараланган, мамлакат ичида товарлар кўп бўлишига ёрдам беради. Эгри солиқлар орқали товарлар қиймати оширилмаса, бозорларда уларнинг тақчиллиги ортади. Эгри солиқлар ставкасининг илмий оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тўғридан тўғри таъсир этмайди, яъни инвестицион фаолиятини қисқартирмайди. Аммо солиқ ставкаси таҳлилсиз оша борса корхоналар сотиш қийинчилигига учраб фойда олишни ҳам бюджетга тўловларни ҳам камайтириши мумкин.

Эгри солиқлар таркибига қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва божхона божи киради.

Қўшилган қиймат солиғига ва унинг негизи ҳисобланган қўшилган қиймат категориясига мумтоз ва ҳозирги замон олимларининг берган таърифларини умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, қўшилган қиймат

³ Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт.-Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2005.- 3-бет.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси.-Т.: Адолат, 2008 й.- 189- бет

деганда ашёвий ресурслар харид баҳосига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўшилган, товар ва хизматларнинг бозорда сотилиш нархига кирган устама қиймат тушунилади. Қўшилган қиймат бу ишлаб чиқаришнинг пировард натижасидир. Шу билан бирга қўшилган қийматни белгилашда неоклассик синтез нуқтаи назаридан қаралиши мақсадга мувофиқ. Бунда қўшилган қийматни ифодалашда фақат классик қараш, яъни товарга сарфланган меҳнат нуқтаи назаридан эмас, балки товарнинг нафлилиги нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқиш керак. Демак, қўшилган қиймат- бу товар ва хизматлар бозор нархининг бир қисмидир, аниқроғи, товар ва хизматларнинг бозор нархидан, ушбу товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки ташкил этиш учун фойдаланилган моддий ресурслар ва номоддий активлар нархи айириб ташлангандан кейин қолган қисмидир. Қўшилган қиймат солиғи бу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотилган товар, бажарилган иш ва хизматларнинг бозор нархига нисбатан ҳисобланган билвосита солиқдир.

Умумдават солиқлари таркибида қўшилган қиймат солиғининг салмоғи анча юқоридир. Давлат бюджетининг даромадлар қисмидаги улуши юқори бўлган сабабли ҳам, бу солиқ тури солиқ тизимида муҳим ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

2011 йил якунига кўра Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,3 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,3 фоизга кўпайди, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 16,1 фоизга ошди (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистонда 2011 йилда эришилган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар
(ўтган йилга нисбатан)⁵**

№	Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.	Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3
2.	Саноат маҳсулотнинг ўсиши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3
3.	Хизмат кўрсатиш ҳажми	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1
4.	Савдо соҳаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4
5.	Давлат бюджети профицити (ЯИМга нисбатан)	+1,1	+1,5	+0,2	+0,3	+0,4
6.	Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4	7,3	7,9
7.	Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳакининг ошиши	44,2	40,0	40,0	32	26,5
8.	Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	27,0	23,0	26,5	23,5	23,1

⁵ И.А.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи”, 2012 йил 20 январь (№ 14) 2-бет

2-жадвал

Давлат бюджети профицити (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)⁶

№	Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.	Давлат бюджети профицити (ЯИМга нисбатан)	+1,1	+1,5	+0,2	+0,3	+0,4
2.	Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4	7,3	7,9

3-жадвал.

Ўзбекистонда солиқ ставкаларининг пасайтирилиши⁷

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тури	2000 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	31%	9%	9%	9%
Қўшилган қиймат солиғи	20%	20%	20%	20%
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	15%, 25%, 36%, 40%	11%, 17%, 22%	10%, 16%, 22%	9%, 16%, 22%
Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15%	7%	6%	5%
Юридик шахсларнинг мол-мулкига олинадиган солиқ	4,0%	3,5%	3,5%	3,5%
Ягона ижтимоий тўлов	40%	25%	25%	25%

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари

Асосий макроиктисодий кўрсаткичлари	2010 йилги	2011 йил
Ялпи ички маҳсулот	108,3	108,3
Саноат маҳсулот ишлаб чиқариш	108,3	109,3
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш	105	105,8
Капиталь қўйилмалар ҳажми	122,1	112,4
Чакана савдо ҳажми	116,3	115,4

⁶ <http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари⁷ И.А.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги bosқичга қўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи”, 2012 йил 20 январь (№ 14) 2-бет

**Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги
Давлат бюджети параметрлари**

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2010 йилги	2011 йил	Ўсиш кўрсаткичлари % да	Бюджет дармадларида салмоғи %да
Давлат бюжети даромадлари	13 116 396,9	16 178 563,5	123,3	100
Шу жумладан: Бевосита солиқлар	3 420 602,8	4 238 732,8	123,9	26,2
Билвосита солиқлар	6973 809,5	8 656 853,1	124,1	53,5
Ресурс солиқлари	1 974 143,8	2 308 908,7	116,9	14,3
Бошқа даромадлар	589120,3	974068,9	165,3	6,0
Бюджет харажатлари	13 732 502,5	16 991 100,0	123,7	Бюджет дефицити ЙИМга нисбатан 1,0 фоиз

Таҳлил қилинаётган даврнинг якунларига кўра, 2011 йилда давлат бюджетининг даромадлар қисмида тўғри солиқлар 4 238, 7 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 825,0 млрд. сўм, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 527,4 млрд. сўм, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 378,3 млрд. сўм, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи 1789,7 млрд. сўм, юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиган катъий белгиланган солиқ 187,5 млрд. сўм, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 530,6 млрд.сўмдан иборат (6-жадвал).

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тўғри солиқларнинг тутган ўрни⁸

Кўрсаткичлар	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм
Даромадлар, давлат мақсадли жамғармаларисиз - жами	4 042,5	5100,9	7108,3	10421,4	13 116,4	16 178, 5	20614,1

⁸ · <http://www.mf.uz> –Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари

1. Бевосита (тўғри) солиқлар		1 115,3	1320,5	1798,1	2769,2	3420,6	4 238, 7	5196,4
1.1	Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи	218,9	261,7					
	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи			361,2	542,4	645,5	825,0	917,2
1.2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан олинадиган ялпи даромад солиғи	72,9	-	-				
	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	-	110,8	145,0	222,4	297,0	527,4	703,5
1.3	Ягона солиқ ва микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	95,5	-					
	Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	-	103,9	145,6	256,0	346,3	378,3	538,5
1.4	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	603,4	689,0	888,5	1281,6	1535,0	1789,7	2372,7
1.5	Юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиган катъий белгиланган солиқ	55,0	54,2	81,7	108,6	139,1	187,5	218,1
2.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	69, 6	100,5	176,1	358,2	457,5	530,6	446,4

2011 йилда давлат бюджетининг даромадлар қисмида эгри солиқлар 8 656,8 млрд.сўмни ташкил этди. Шундан, қўшилган қиймат солиғи 5228,7 млрд. сўм, акциз солиғи 2481,7 млрд. сўм, божхона божлари 515,9 млрд. сўм, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ. 430,3 млрд. сўмдан иборат. (7-жадвал)

7- жадвал

Эгри солиқларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тизимида тутган ўрни⁹

		2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Кўрсаткичлар		млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм
Даромадлар, давлат мақсадли жамғармаларисиз – жами		4042,6	5100,9	7108,3	10421,4	13 116,4	16 178,5	20614,1
1. Билвосита (эгри) солиқлар		1 986,7	2478,1	3571,0	5 162,1	6973,8	8 656, 8	11187,8
1.1.	Қўшилган қиймат солиғи	1 017,3	1261,7	2000,9	3093,9	3988	5228,7	6784,5
1.2.	Акциз солиғи	760,5	915,7	1170,4	1503,9	2191,0	2481,7	3115,5
1.3.	Божхона божлари	86,8	116,0	247,8	361,1	479,3	515,9	732,4
1.4.	Жисмоний шахслардан ягона божхона тўлови	45,9	73,4	-	-	-	-	-
1.5.	Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.	76,2	111,3	151,9	203,2	315,5	430,3	555,4

8- жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тизимида ресурс солиқларини тутган ўрни¹⁰

		2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Кўрсаткичлар		млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм
Даромадлар, давлат мақсадли жамғармаларисиз – жами		4042,5	5100,9	7108,3	10421,4	13 116,3	16 178, 5	20614,1
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи		768,2	931,8	1218,8	1662,5	1974,1	2 308, 9	2746,4

⁹ <http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари

¹⁰ <http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари

1.1	Мол - мулк солиғи	142,6	191,4	234,0	319,1	354,1	490,5	642,0
1.2.	Ер солиғи	138,5	180,3	203,6	275,1	303,8	346,8	446,0
1.3	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик солиқ	465,8	531,0	746,3	1 024,8	1265,0	1409,7	1585,3
1.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик солиқ	21,3	29,1	34,9	43,5	51,2	61,7	73,1

2011 йилда давлат бюджетининг даромадлар қисмида ресурс солиқлари 2 308, 9 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, шундан мол - мулк солиғи 490,5 млрд.сўм, ер солиғи 346,8 млрд.сўм, ер ости бойликларидан фойдаланганлик солиқ 1409,7 млрд.сўм ва сув ресурсларидан фойдаланганлик солиқ 61,7 млрд. сўмдан иборат.(8-жадвал)

2. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ СОЛИШ ОБЪЕКТИ ВА СОЛИҚНИ ТЎЛОВЧИЛАР ТАРКИБИ

Солиқ солиш объекти қуйидагилардир:

-солиқ солинадиган оборот.

-солиқ солинадиган импорт.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан:

-товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш).

-устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса.

-мол-мулкни бепул бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш), шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахс фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш).

-қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) алмаштириш учун мол-мулкни бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш).

-қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимга иш ҳақи ҳисобига ёки муассисга (иштирокчига) дивидендлар тўлаш ҳисобига мол-мулк бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш).

-гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, гаровга қўювчи томонидан гаров нарсасини бериш.

-заём шартномалари асосида товар-моддий захираларни бериш.

2) Битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига, агар таркибий бўлинмалар мустақил солиқ тўловчилар бўлса, мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш.

3) Мол-мулкни молия ижарасига (шу жумладан лизингга) бериш.

4) Тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан товарни жўнатиш.

5) Мол-мулкни оператив ижарага бериш.

6) Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти солиқ солинадиган оборотдир.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар солиқ солинадиган импортдир.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотларига, агар уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўлса, қўшилган қиймат солиғи солинади.

Қуйидаги шартлар ёхуд улардан бири мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди товарларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади:

Товарлар жўнатилган (берилган) кун, товарларни реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Агар товарларни жўнатиш амалга оширилмаса, товарга бўлган мулк ҳуқуқи олувчига ўтказилган кун реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Гаровга қўйилган мол-мулк (товар) гаровга қўювчи томонидан топширилганда гаров нарсасига бўлган мулк ҳуқуқи ўтказилган сана гаровга қўювчи учун реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар қуйидагилардир:

1) Солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар
2) Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар

3) Товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб кирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно

4) Оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) оддий ширкат шартномасининг шериги (иштирокчиси).

Қуйидагилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланмайди:

-нотижорат ташкилотлар.

-солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг навбатдаги чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғини тўлаши мумкин.

Юридик шахснинг ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун иш ҳақи ҳисобига, шу жумладан бепул товарлар берилганда, ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда товар берилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган ҳамда ҳисобварақ-фактура ва (ёки) ишлар бажарилгани, хизматлар кўрсатилгани фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилган кун оборот амалга оширилган санадир.

Тара шартномада назарда тутилган муддатда қайтарилмаса, бу тарани қайтариш учун белгиланган сана қайтарилиши лозим бўлган таранинг реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Ишларни, хизматларни реализация қилиш обороти амалга оширилган сана қуйидаги шартлардан бири бажарилганда бошланади:

-ҳисобварақ-фактура ёзиб берилганда.

-ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилганда.

Ишлар, хизматлар доимий (узлуксиз) асосда реализация қилинган тақдирда, ҳисобварақ-фактура ёзилган сана ишларни, хизматларни реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Шартноманинг (контрактнинг) амал қилиши даврида ишларни, хизматларни олувчи уларнинг натижаларидан ўз ишлаб чиқариш фаолиятида доимий асосда фойдаланиши мумкин бўлган тақдирда, доимий (узлуксиз) асосда реализация қилиш ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини англатади.

Ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси норезидентидан олинган тақдирда, ишлар, хизматлар олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат расмийлаштирилган сана оборот амалга оширилган санадир.

Солиқ солинадиган база, реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда белгиланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солиқ солиш мақсадлари учун солиқ солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Товарлар қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда уларни қайта ишлаш хизматларининг қиймати асосида, акциз тўланадиган товарлар бўйича эса, уларни қайта ишлаш хизматлари қиймати асосида ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар, хизматлар бўйича, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда шартномавий нархлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақ тўлаш учун тақдим этилган, бажарилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган ишларнинг, хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Пудрат ёки иккиламчи пудрат ташкилотлари томонидан объектлар қуриш учун қурилиш пудрати шартномаси тузилган тақдирда, бажарилган ва тасдиқланган ишларнинг пудратчи (ёрдамчи пудратчи) ва буюртмачининг солиқ солиш мақсадида реализация қилинган деб ҳисобланадиган материаллари қиймати киритилган, белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган базадир.

Қурилиш-монтаж, таъмирлаш ва таъмирлаш-қурилиш ишларини бажариш учун шартнома тузилганда, агар шартномага биноан бу ишларни материаллар билан таъминлаш вазифаси буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи

материалларининг қиймати киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар бўлган савдо корхоналари импорт қилган товарлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси киритилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Мол-мулк молия ижарасига, шу жумладан лизингга берилган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган актив қиймати билан унинг баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Тугалланмаган қурилиш объекти реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, тугалланмаган қурилиш объектини реализация қилиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича хизматлар кўрсатилган тақдирда, экспедиторнинг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига оладиган, мукофот тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Воситачилик шартномаси, топшириқ ёки воситачилик хизматлари кўрсатиш бўйича бошқа шартнома асосида ўзга шахснинг манфаатларини кўзлаб хизматлар кўрсатилган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизмат учун пул мукофоти (фоиз) тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Воситачилик шартномасига, топшириққа биноан ишончли шахс ёки комитент Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи қўшилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Гаровга қўювчи гаров мол-мулкни гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш ҳисобига топширган тақдирда, гаровга қўювчининг солиқ солинадиган обороти миқдори гаровга олувчи томонидан реализация қилинган мол-мулк қийматидан келиб чиққан, бироқ қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда мазкур гаровга қўйилган мол-мулкка олинган заём

маблағлари суммасидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Гаровга топширилган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиш тугалланмаган объектлар бўйича гаровга қўювчининг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қайтариладиган тара солиқ солинадиган оборотга киритилган тақдирда, тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, солиқ солинадиган база мазкур таранинг қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган гаров қиймати асосида белгиланади.

Солиқ тўловчининг солиқ солинадиган базасига қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

- 1) товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда.
- 2) битим шартлари ўзгарганда.
- 3) нархлар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда.

- 4) бажарилган ишлардан, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Солиқ солинадиган базага тузатишни киритиш бир йиллик муддат ичида, кафолат муддати белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича эса, кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш қўшимча ҳисобварақ-фактура ёки бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Товарларни импорт қилишда солиқ солинадиган базага товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикасига товарларни импорт қилишда тўланиши лозим бўлган акциз солиғининг, божхона божларининг суммалари киради.

Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тақдим этилган ишлар, хизматлар, агар уларнинг реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса ва уларга қўшилган қиймат солиғи солиниши керак бўлса, ишларни, хизматларни олувчи Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчисининг солиқ солинадиган оборотидир.

Ишлар, хизматларни олувчида солиқ солинадиган база Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланиши лозим бўлган суммадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромад бўйича тўлов манбаида ушлаб қолиниши лозим бўлган солиқ суммаси чегириб ташланмаган ҳолда белгиланади.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғининг суммаси белгиланган ставка ва солиқ солинадиган базадан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Олинган ишлар, хизматлар учун ҳақ тўлаш чет эл валютасида амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган оборот бу оборот амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

3. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ВА СОЛИҚ СТАВКАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Қўшилган қиймат солиғидан қуйидаги реализация қилиш оборотлари озод этилади:

1) давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи ва йиғимлар ундириладиган хизматлар (ҳаракатлар).

2) мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар.

3) беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар.

4) дафн этиш бюрolari ва қабристонларнинг маросим хизматлари, диний ашёларни реализация қилиш, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг удумлар ва маросимлар ўтказишга доир хизматлари.

5) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун мўлжалланган инвентарлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган буюмлар ва инвентарлар, шунингдек ногиронларга кўрсатилаётган ортопедик протезлаш хизматлари, протез-ортопедия буюмлари ва ногиронлар учун мўлжалланган инвентарларни таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишга доир ишлар бўйича хизматлар.

6) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарининг мазкур муассасалар томонидан реализация қилинадиган маҳсулотлари.

7) почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали открыткалар, конвертлар.

8) алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари.

9) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари. 10) шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек темир йўл ва умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари.

11) олий, ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларида, шунингдек кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларда таълим беришнинг ҳақ эвазига ўқитишга доир қисми бўйича хизматлар.

12) қимматбаҳо металлarnи ваколатли давлат органига сақлаб туриш учун топшириш ва уларнинг экспорти.

13) тиббий (ветеринария) хизматлари (косметология хизматлари бундан мустасно), дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ва буюмлар.

14) чет эл ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш юзасидан бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг

хаво бўшлиғида амалга ошириладиган хизматлар, шу жумладан аэронавигация хизмати.

15) санаторий-курорт, соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари ва болалар дам олиш оромгоҳларининг хизматлари, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилган хизматлари.

16) давлат мулкани хусусийлаштириш тартибида реализация қилинаётган мол-мулк.

17) гидрометеорология ва аэрология ишлари.

18) геология ва топография ишлари.

19) босма маҳсулотлар, шунингдек босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш билан боғлиқ таҳририй, матбаа ва ноширлик ишлари (хизматлари).

20) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг, унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир маҳсулот ва хизматлар.

21) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан экспорт қилинаётган товарларни ташиш, юклаш, тушириш, қайта юклаш, экспедиция қилишга доир хизматлар, ишлар.

22) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил этувчи юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар (ишлар, хизматлар), бундан воситачилик, савдо, тайёрлов, таъминот-сотиш фаолиятини амалга ошириш бўйича реализация қилиш оборотлари мустасно.

23) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) юридик шахслар оладиган, шунингдек грантлар ҳисобига олинган товарлар (ишлар, хизматлар).

24) уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар.

25) аҳолини электр энергияси билан таъминлаш.

26) ваколатли давлат органининг ихтисослашган экспертиза бўлинмалари ўтказадиган экологик экспертиза хизматлари.

27) давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари.

28) ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти.

29) ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлов бўлинмалари хизматлари.

30) устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали сифатида бериладиган асосий воситалар, номоддий активлар ва тугалланмаган қурилиш объектлари.

31) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган ер-кадастр, ер тузиш, тупроқ ва геоботаника ишлари.

32) давлат резервининг товар-моддий захиралари, улар янгиланаётганда.

33) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-кидирув тадбирлари тизимининг техника воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар.

34) инвестор ва давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида топширилаётган мол-мулк.

35) китоб маҳсулотлари, мактаб ўқув қуроллари ва кўргазмали қўлланмаларнинг, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи савдоси.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Қўшилган қиймат солиғи ставкалари қуйидагилардан иборат:

-20%ли қўшилган қиймат солиғи ставкаси

-Ноль даражали қўшилган қиймат солиғи ставкаси

Товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металллар бундан мустасно) оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб чиқиш товарлар экспортидир.

Чет эл тарафи ўзаролик принципига амал қилган тақдирда, чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек бу ваколатхоналар дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг, шу жумладан улар билан бирга яшаётган оила аъзоларининг, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмасалар ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган бўлмасалар, шахсий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга (ишларга, хизматларга) ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, "божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга), агар қайта ишлаш маҳсулотлари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган бўлса, ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Халқаро йўналишда ташишлар бўйича кўрсатиладиган қуйидаги хизматларни реализация қилиш оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларга, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли номидан оладиган ана шундай хизматларга ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

4. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобда турган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан:

қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилган муддатда.

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан - ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Солиқ солинадиган оборотлар бўйича қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Календарь йил солиқ давридир.

Ҳисобот даври қуйидагилардир:

қўшилган қиймат солиғи тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун - йил чораги.

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун - бир ой.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган оборот бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ҳисобга олинadиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Товарларни импорт қилиш бўйича қўшилган қиймат солиғининг суммаси солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоблари билан бир вақтда солиқ даври мобайнида олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестри тақдим этилади. Ҳисобварақ-фактуралар реестрининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Қўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлаш қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобларини тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Сққс = Сай \times C / 100. (1),$$

бунда: Сққс - истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси.

Сай - солиққа тортиладиган айланма.

С - қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Товарлар (ишлар, хизматлар) қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида - солиқ қўидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_{ққс} = T_{қ} \times C / (C + 100). (2),$$

бунда: $T_{қ}$ - қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати.

Солиқ қонунчилигида кўрсатилган қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган ёки қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотадиган корхоналар эркин (шартномавий) нарх ва тарифга қўшилган қиймат солиғи суммасини қўшмайдилар. Шунга ўхшаш тартиб амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ солишининг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун асос божхона қонунларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати ҳисобланади.

Товарлар импорти бўйича солиқ солинадиган оборот ҳажмига божхона қиймати билан бир қаторда божхона божси суммаси ва акциз солиғи суммаси (акциз тўланадиган товарлар бўйича) киритилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи қўидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$C_{ққс} = (C_{б} + B_{б} + A_{с}) \times C / 100,$$

бу ерда: $C_{ққс}$ - қўшилган қиймат солиғи суммаси.

$C_{б}$ - импорт қилинадиган товарнинг божхона қиймати.

$B_{б}$ - божхона божси суммаси.

$A_{с}$ - акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи суммаси.

С - қўшилган қиймат солиғининг фоизлардаги ставкаси.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи ишлар, хизматлар бажарилганлиги далилини тасдиқловчи ҳужжатлар (далолатнома, маълумотнома ёки бошқа ҳужжатлар) асосида қўидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$C_{ққс} = C \times H / 100,$$

бу ерда: $C_{ққс}$ - қўшилган қиймат солиғи суммаси.

С - далолатнома, маълумотнома ёки бошқа ҳужжатларга кўра тасдиқланадиган, импорт қилинадиган ишлар, хизматлар қиймати.

Н - қўшилган қиймат солиғининг фоизлардаги ставкаси.

1.Хусусий корхона тайёр маҳсулотни қарзни узиш ҳисобига бермоқда. Қарз суммаси ва тайёр маҳсулот қиймати 5 000 минг сўмни ташкил қилади. Қўшилган қиймат солиғи суммаси неча сўмни ташкил қилади?

Тайёр маҳсулотга доир қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган база унинг қиймати 5000 минг сўмдан келиб чиқиб белгиланди. Қўшилган қиймат солиғи суммаси 1000 минг сўмни (5000 x 20%) ташкил қилади.

2.Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган резидент корхона Германиянинг лойиҳа-конструкторлик компанияси билан инжиниринг хизматлари кўрсатиш бўйича шартнома тузди. Лойиҳа конструкторлик ишлари қиймати 35 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Лойиҳа-конструкторлик ишларини қабул қилиш топшириш далолатномаси имзоланаётган пайтда 1 АҚШ долларининг курси 1800 сўмни ва Германиянинг лойиҳа-конструкторлик компаниясига пул маблағлари ўтказилган пайтда 1800 сўмни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган резидент корхона инжиниринг хизматлари харидори ҳисобланади, норезидент Германиянинг лойиҳа-конструкторлик компаниясининг қўшилган қиймат солиғи солинадиган обороти учун ким томонидан қўшилган қиймат солиғи тўланади ва қўшилган қиймат солиғи суммаси неча сўмни ташкил қилади ?

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган резидент корхона инжиниринг хизматлари харидори ҳисобланади, норезидент Германиянинг лойиҳа-конструкторлик компаниясининг қўшилган қиймат солиғи солинадиган обороти учун Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган резидент корхона томонидан қўшилган қиймат солиғи тўланади.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси 7 минг АҚШ долларини (35 000 x 20%) ёки 12600 минг сўмни (7000 x 1800) ташкил қилади.

3.Мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона бошқа бир корхонага ўзи ишлаб чиқарган мебелни текинга бермоқда. Берилаётган мебель таннари 2000 минг сўм. Қўшилган қиймат солиғи неча сўмни ташкил қилади. Қўшилган қиймат солиғи суммаси қандай тартибда тўланади?

(2000 x 20%) Қўшилган қиймат солиғи 400 минг сўмни ташкил қилади. Қўшилган қиймат солиғи суммасини берувчи корхона тўлайди.

4.Қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлайдиган хусусий корхона ўз ишчи ходимларини корхона ҳудудида жойлашган ошхонада текинга тушлик овқатланишни ташкил этган. Ҳар бир ходимга ойнинг иш кунларига тенг миқдорда талонлар берилади. Битта талон 5000 сўмлик бир тушлик учун мўлжалланган. Талонлар март ойининг бошида бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари асосида берилган. Март ойида 21 иш куни, ишчи ходимга 105 минг сўмлик тушлик учун 21 та талон берилган.

Қўшилган қиймат солиғи неча сўмни ташкил қилади. Қўшилган қиймат солиғи суммаси қандай тартибда тўланади?

Қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлайдиган хусусий корхона мазкур тушликлар қийматидан 21 минг сўм миқдорида (105 x 20%) қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб ёзилиши ва тўлаши лозим.

5. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ УНДИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат бюджети ва солиқ тўловчиларни иқтисодий манфаатларига мос келувчи қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги шароитда иқтисодиётда бозор муносабатлари шаклланиб ва аста секин ривожланиб бораётган бир пайтда солиқларни қайта тақсимлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда амал қиладиган солиқ тизимининг асосий белгилари мустақилликка эришилгандан сўнг шаклланди. Солиқ тизимига ўзгаришлар ислохатларнинг бориши ва ижтимоий-иқтисодий вазият билан узвий боғлиқ бўлди.

90-йилларнинг биринчи ярмида давлат молияси соҳасида ўта кескинлик ҳукм сурган пайтда солиқ тизими фискал вазифани бажаришга йўналтирилган эди. Бу давр солиқлар миқдорининг кўплиги солиқ ставкаларининг юқорилиги билан белгиланиб, жуда катта солиқ имтиёзлари ҳам қўлланилган. Солиқ тизимидаги муайян ўзгаришлар кузатилди яъни, 1995-1996 йилларда қўшилган қиймат солиғи ставкаси 25 фоиздан 18 фоизгача камайтирилди, 1997-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси амалга киритилиб, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш механизми ва бюджетга тўлаш тартиби бўйича аниқ тушунарли ҳолатда ҳуқуқий асос яратилди.

2000 йилдан бошлаб солиқ сиёсатини амалга оширишда янги даврни ажратиш мумкинлики, у солиқ тизимини Солиқ Кодекси доирасида тизимлаштириш ва унинг эркинлаштирилиши билан боғлиқ.

Ҳар қандай солиқ тизимининг муҳим қисми солиқ маъмурчилигидир. Солиқ маъмурчилиги тизимини такомиллаштириш мамлакатдаги бизнес-муҳитни давлат бюджетига зарар етказмасдан яхшилаш имконини беради.

Солиқ маъмурчилиги тизимида 2005 йилда юз берган ўзгаришлар мамлакатдаги бизнес-муҳитни яхшилашнинг муҳим омили бўлди. Бу йўналишда солиқ текширувларини қисқартириш ва уларни ўтказишнинг аниқ тартиботини ишлаб чиқиш, солиқ ҳисоботи тартиботини соддалаштириш ва солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш бўйича чоралар кўрилди.

Давлат мажбуриятларининг ва ижтимоий кафолатларнинг бажарилиши нафақат бюджет маблағларининг қандай тамойилларга ва қоидаларга кўра шаклланиши ва сарфланишига, давлат молиявий ресурсларини қандай бошқаришга, балки мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларга эришига ҳам боғлиқ.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилиндики, улар иқтисодиётни эркинлаштириш, солиқ қонунчилиги ва қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш механизми, бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилди. Шунингдек, улар 1998 йил 1 январдан амалга киритилган Солиқ Кодекси муттасил

бойитиб борди. Бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жадаллашуви, хусусий секторнинг кенгайиши ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигининг ўсиши Солиқ Кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқарди.

Шу муносабатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида белгилаб берган устуворликларга мувофиқ, Республикамиз ҳукумати 2005 йилда Солиқ Кодекси лойиҳасини устида ишлашни бошлади. Ушбу ҳужжат жорий йилнинг 1 январидан кучга кирди. Янги таҳрирдаги Солиқ Кодекси амалдаги кодексни сифат жиҳатидан такомиллаштириш ва кенгайтириш, шунингдек солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи барча амалдаги меъёрлар ва низомларни такомиллаштириш ва тизимлаштириш йўли билан ишлаб чиқилди.

Мазкур Солиқ Кодекси тўғри таъсир қилувчи қонун ҳужжати бўлиб, эски таҳрирдаги олдинги Солиқ Кодексидан сезиларли фарқ қилади. Бу шуни англатадики, айнан шу Солиқ Кодекси олдин амалдаги кўп сонли йўриқномалар, тартиблар ва низомлар ўрнига солиқ солиш тизимини меъёрий бошқариш вазифасини бажаради. Янги Солиқ Кодексининг бевосита таъсир кўрсатувчи ҳужжат сифатида жорий этилиши солиқ қонунчилигининг барқарорлигини ва аниқлигини таъминлаш орқали иқтисодиётни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, солиқ сиёсатининг ўрта истикболдаги асосий йўналишларини қуйидаги тарзда белгилаш мумкин:

- Қўшилган қиймат солиғи юкини камайтириш.

- Солиқларни, жумладан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш механизми ва бюджетга тўлаш тартибини янада соддалаштириш.

- Қўшилган қиймат солиғининг рағбатлантирувчи функциясини кучайтириш.

- Солиқ маъмурчилигини тубдан яхшилаш.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ва солиқ соҳасидаги ислоҳатларни амалга оширишда солиқ муносабатларини такомиллаштириш солиқларнинг турлари ва уларнинг амал қилиш механизмини илмий таҳлил қилиш муҳим ва долзарб муаммоли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Солиқ муносабатларидаги муҳим солиқ солиш элементлари механизмидан бири, бу қўшилган қиймат солиғига тортиш механизмидир. Қўшилган қиймат солиғига тортиш механизмининг самарали фаолият кўрсатиши учун солиқ субъектларининг солиқ қонунчилиги тартибларига тўлиқ риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатишларини талаб этади.

Республикамиз солиқ тизими олдида бозор муносабатларини тўлақонли шакллантириш учун шарт-шароит яратиш билан бир қаторда давлат бюджетини маблағлар билан таъминлаш ҳамда устивор йўналишдаги иқтисодий фаолиятни солиқлар воситасида қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида, айниқса унинг энг катта тури бўлган қўшилган қиймат солиғини ундириш механизмини такомиллаштириш орқали рағбатлантириш катта аҳамият касб этади. Чунки барча товарлар ишлаб чиқаришдан то истеъмолчига етиб боргунча бўлган жараёнда қўшилган қиймат солиғига тортилиши шубҳасиздир.

Давлат ва жамият тараққиётининг тадрижий ривожланиш босқичларида қўшилган қиймат солиғи ва солиққа тортиш муносабатлари узлуксиз равишда ўзининг такомиллаштириш тавсифига эга бўлган. Ушбу муносабатлар тизимини бугунги кун талаблари даражасида янада самаралироқ ташкил этиш ва амалга ошириш, субъектлар томонидан ундаги айрим элементлар механизмини мақбул шартлар асосида қабул қилиш заруриятини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг бозор иқтисодиётига асосланиб, миллий солиқ тизимини шакллантириш ҳаётий вазифага айланди. Республикамиз бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидан жадал ривожланиб борар экан иқтисодиётнинг турли тармоқлари орасида солиқ тизими алоҳида эътибор талаб этади. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими таркибида қўшилган қиймат солиғи иқтисодиётимиз таянчи, давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Республикамиз солиқ тизимида амалга оширилаётган солиқ ислоҳатлари амалиётидаги энг мураккаб муаммолардан бири қўшилган қиймат солиғини ундириш муаммосидир. Қўшилган қиймат солиғини иқтисодиётининг ривожланишига таъсир этиши, тадбиркорларнинг тараққий этишига ёрдам бериш ва бир вақтнинг ўзида қўшилган қиймат солиғини ундириш муаммоларни ҳал этиб бориш бозор муносабатларига ўтиш шароитида давлатнинг асосий вазифаларидан бўлиб қолаверади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қўшилган қиймат солиғи мамлакатимиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда асосий ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ соҳасидаги

ислоҳатлар мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига сезиларли тарзда таъсир этади.

Курс ишимизнинг ниҳоясида қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти , Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимидаги аҳамияти ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қўшилган қиймат солиғини ундириш механизмини такомиллаштириш ҳамда уни ўрганиш асосида олинган асосий хулоса ва таклифларни қисқача акс эттирамиз.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса ўз навбатида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллашувига олиб келади.

Бу борада қуйидаги таклифларни киритиш мумкин:

Биринчидан, қўшилган қиймат солиғини аста-секинлик билан пасайтириш орқали қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ юкини камайитириш лозим.

Иккинчидан, қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз берилаётганда, имтиёз мақсадли берилиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010 й. 40 бет.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил январь.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни, -Т.: Халқ сўзи, 2006 йил, 21 сентябр.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: Халқ сўзи, 1997 йил, 29 август. 1-2 бет.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни. – Тошкент, 1996. 25 апрел.
- 1.6. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуни.– Тошкент, 1995. 21 декабр.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1090 Қарори
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1675-сонли қарори
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1449-сонли қарори.
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1245-сон қарори.
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1024-сон қарори.
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 744-сонли қарори.
- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 532-сонли қарори.
- 1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва

унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сонли Фармони.

- 1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги ПФ-3622-сонли Фармони.
- 1.16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100 сонли қарори
- 1.17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3620-сонли Фармони.
- 1.18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сонли Фармони.

II. Президент асарлари.

- 2.1. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи газетаси, 20 январь 2012 йил
- 2.2. Каримов И.А. «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» Халқ сўзи газетаси, 22 январь 2011 йил.
- 2.3. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир – Т.: «Ўзбекистон», 2010. 80 бет.
- 2.4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: «Ўзбекистон», 2009 йил. 56 бет.
- 2.5. Каримов И.А. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш- давр талаби» -Т.: Халқ сўзи, 14 февраль, 2009 йил.
- 2.6. Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” – Т.: Халқ сўзи , 2008 йил 9 февраль.
- 2.7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 2007 йил. 39-40 бетлар.
- 2.8. Каримов И.А. «Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир». – Халқ сўзи , 2007 йил 13 феврал.

- 2.9. Каримов И.А. «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор». –Т.: Халқ сўзи, 2006 йил 25 февраль.
- 2.10. Каримов И.А. «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим». – Т.: Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.
- 2.11. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». – Т: Халқ сўзи, 2005 йил 29 январь.
- 2.12. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.
- 2.13. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.
- 2.14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликни таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 315 б.
- 2.15. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар.

- 3.1. Солиққа оид қонун ҳужжатларидаги янгиликлар.- Тошкент: «NORMA». 2011.- 512 бет
- 3.2. Сборник №1 Нормативных документов по налоговому законодательству Республики Узбекистан. ГНК, РКИЦ, Ташкент, 2009.
- 3.2. Сборник №2 Нормативных документов по налоговому законодательству Республики Узбекистан. ГНК, РКИЦ, Ташкент, 2009.
- 3.3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2007 йил 9 августдаги 1701-сонли «Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом.
- 3.4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2005 йил 16 июндаги 1480-сонли «Тижорат банклари ва кредит уюшмалари томонидан солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом.
- 3.5. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: Ўзбекистон, 2003. – 360 б.

IV. Асосий адабиётлар.

- 4.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”

мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. – 376 бет.

- 4.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш–устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғафуров – Т.: Иқтисодиёт, 2010.-331 б.
- 4.3. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик-Т.:Шарқ, 2009. 448 бет.
- 4.4. Alimardonov M.I., To'xsanov Q.N. Soliq nazariyasi. –Т.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005, - 175 b.
- 4.5. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти, Дарслик (қайта ишланган)- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.-247 бет.
- 4.6. Налоги и налоогобложение: учеб. /Под ред. И.А. Майбутова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 559 с.
- 4.7. Никулкина И.В. Общая теория налоогобложения: учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2010. – 176 с.
- 4.8. А.Н.Романова. Организация и методы налоговых проверок. учеб. пособ.М.:Вузовский учебник , 2009– 180 с.
- 4.9. Миляков Н.В. Налоги и налоогобложение: Учебник. — 7-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. - 520 с.
- 4.10. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Тухлиев Б.К. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
- 4.11. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ – 2008, 98 б.
- 4.12. Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 343 б.
- 4.13. Абдуллаева Ш., Сафарова З. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 200 б.
- 4.14. Абдуллаева Ш., Файзуллаева М., Галак О., Абидинова Д. Банковский менеджмент и маркетинг. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 182 с.
- 4.15. Абдуллаева Ш., Омонов А. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш. –Т.: Иқтисод-молия, 2006. – 118 б.
- 4.16. Тухлиев Б.К., Юсупов О.А., Агзамов А.Т, Тўхсанов Қ.Н. Солиқлар ва солиққа тортиш: Ўқув қўлланма. – Т.: 2007. -320 б.

V. Қўшимча адабиётлар.

- 5.1. Митюкова Э.С. Налоговое планирование: анализ реальных схем. – М.: Эксмо, 2010. – 288 с.
- 5.2. Молчанов С.С. Налоги: расчет и оптимизация. – М.: Эксмо, 2010.–544с.

- 5.3. Юткина.Г.Ф. Налоги и налогообложения. Учебник-М: ИНФРА-М, 2001.-429 с.
- 5.4. Налоги и налогообложение: Учебник. / Под ред. И.А. Майбурова. — 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 511 с.
- 5.5. Налоги и налогообложение: Учебник. / Под. ред. И.А. Майбурова. 2-е изд., перер и доп. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.-511с.
- 5.6. Паскачев А. Б. Налоги и налогообложение : учеб. пособие. — М.: Высшее образование, 2008. — 384 с.
- 5.7. Тошмурадова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. Ўқув қўлланма, -Т.: ТМИ, 2005. —158 б.
- 5.8. Абдуллаева Ш. Банк иши. —Т.: Иқтисод-молия, 2003. — 312 б.
- 5.9. Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. —Т.: Молия, 2002. — 304 б.
- 5.10. Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар. —Т.: Молия, 2000. — 312 б.
- 5.11. Абдурахманов О. Налоговые системы зарубежных стран. —М.: Палеотип, 2005. — 356 б.


VI. Даврий нашрлар, статистик ҳисоботлар ва тўпламлар.

- 6.1. «Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда солиқ тизимининг ролини ошириш масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. —Т.: «Иқтисодиёт», 2011. — 376 б. 2011 йил 16 март
- 6.1. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш муаммолари. Республика илмий амалий анжумани материаллари.-Т.: ДСҚ Солиқ академияси, 2010 йил 21-22 май.
- 6.2. Иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида давлат молиясини ислоҳ қилиш йўналишлари. Республика илмий амалий анжумани материаллари.-Т.:ТДИУ, 2007 йил 14-15-декабрь.
- 6.3. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджет-солиқ тизимининг долзарб масалалари. Республика илмий амалий анжумани материаллари.-Т.:ТДИУ, 2005 йил 14-15- декабрь.
- 6.4. «Халқ сўзи» газетаси.
- 6.5. «Солиқлар ва божхона хабарлари» газетаси.
- 6.6. «Солиқ тўловчининг журнали» журнали.
- 6.7. «Бозор, пул ва кредит» журнали.
- 6.8. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали.
- 6.9. «Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш» журнали
- 6.10. Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари фаолиятининг 2010 йилги натижалари.-Т.: ДСҚ, 2011.
- 6.11. «Ўзбекистон Иқтисодиёти» статистик маълумотлар тўплами.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, 2010.

VII. Интернет сайтлари.

- 7.1. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
- 7.2. www.mf.uz-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.

- 7.3. www.cb.uz- Ўзбекистон Республика Марказий банки сайти.
- 7.4. www.soliq.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти.
- 7.5. www.stat.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
- 7.6. www.bankir.uz-Ўзбекистон Республикаси Банклари уюшмаси сайти.



2-расм. Ўзбекистонда солиқ юкининг таркибий тузилиши (ЯИМга нисбатан, фоизда).